

Шайбонийхон халок бўлгач, унинг ўрнига амакиси Кўчкинчихон таҳтга ўтириди. Кўчкинчихондан сўнг таҳтга ўғли Абу Сайд (1530-1533) ўтииди. Ундан кейин эса хукмдорлик Шайбонийхоннинг укаси Махмуд Султоннинг ўғли Убайдуллахон (1533-1540) кўлига ўтди. Убайдуллахон пойтаҳтни Самаркандан Бухорога кўчиритирди. Убайдуллахон Бухорога отамерос мулк деб карап эди, чунки Шайбонийхон хаётлигига ёк Бухоро хокимлигини укаси Махмуд Султон Убайдуллахоннинг отасига беиган эди. Шу тарика, шайбонийларнинг Мовароуннахрда ташкил этган давлати эндиликда расмий равишда Бухоро хонлиги деб аталадиган бўлди.

Убайдуллахоннинг тарихимиздаги хизматлари катта. Аввало, у Исмоил Сафавий ва кизилбошларнинг хужумларини бартараф этиб, Мовароуннахри уларнинг харбий-сиёсий тазикларидан саклаб колди. Убайдуллахон хукмронлиги даврида Бухоронинг марказ сифатидаги нуфтизи хар томонлама ўсади.

Убайдуллахон ўз давлатининг чегарасини Шайбонийхон давридаги сарҳадларда кайта тиклашга харакат килди. У Хиротни ишғол этган, кизилбошларни бир неча марта маглубиятга учратган эди. Айни пайтда у мамлакат ичкарисидаги ўзаро кураш ва таркокликка барҳам берди.

Убайдуллахон вафот этгач, ички зиддиятлар яна кучайди. Хокимият учун каттиқ курашлар бошланди. Шайбонийхон авлодларининг хар бирида 10-12 нафардан ўғил бўлиб, уларнинг хар бири тож-таҳтга давогар эдилар. Уларнинг хар бири ўз отамероси бўлган худудларда ўз кўшинига бош бўлиб, мустакилликка интилар, ўзини олий хукмдор деб хис этар ҳамда имкони бўлса, хонлик таҳтини эгаллаш иштиёқида эдилар.

Убайдуллахондан сўнг шайбонийлар сулоласи вакиллари ўртасида ўзаро низолар авжига чиқди. Бунинг окибатида Абдуллахон I нинг киска хукмронлиги (1540-1541) дан сўнг мамлакатда кўшхокимиятчилик вужудга келди. Яъни бир давлатда икки хукмдор пайдо бўлди.

Бири - Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон Бухорода, иккинчиси - Кўчкинчихоннинг ўғли Абдулатифхон Самарканда хукмдорлик кила бошладилар. Мамлакат бир неча мустакил хокимликларга бўлиниб кетди. Бирок качондир, кимдир бу холатга чек кўйиши керак эди.

### **Бухоро Абдуллахон II хукмронлиги даврида**

Мамлакатдаги парокандаликка чек кўйиш учун марказий хокимиётни яна тиклаш ва кучайтириш зарур эди. Бу заруриятни конли умшларсиз амалга ошириб бўлмас эди. Ана шундай шароитда кураш майдонига Миёнкол хукмдори Шайбоний Искандар Султоннинг ўғли Абдуллахон II (1534-1598) чиқди.

Искандархон хонадонига Бухоро якинидаги Жўйбор кишлогида истикомат килувчи, гоятда катта нуфузга эга бўлган шайх Мухаммад Ислом (1493-1563)нинг ихлоси баланд бўлганлиги Абдуллахонга бу курашда жуда катта мадад бўлди. Мухаммад Ислом ва унинг авлодлари ўзларининг келиб чикишини ота томондан Мухаммад пайгамбар авлодларига, она томондан эса Чингизхонва Жўжига уларедилар. Аслзодалик ва тасаввуф тарикатидаги майкейига кўра, Жўйбор шайхлари сомонийлар давридан бошлабок давлат ишларида мухим мансабларни эгаллаб келар эдилар. 16 асрнинг

иккинчи ярмида Шайх Мухаммад Ислом, кейинчалик унинг ўгли Шайх Абубакр Саъд Бухорода шайхулислом лавозимини эгаллаган эдилар.

1556- йили Мухаммад Исломнинг кўмагида Абдулахон амалда Бухоро тахтини эгаллади. Мухаммад Ислом Оллоҳ номидан Абдулахоннинг фаолиятига ок фотиха берган эди. Абдулахон II аввал амакиси, Балх ва Бадаҳшон хукмдори Пирмуҳаммадни (1557-1561), кейин отаси Искандархонни (1561-1583) хон деб эълон килган бўлса-да, амалда мамлакат хукмдори Абдулахон II нинг ўзи эди.

Абдулахоннинг бутун хукмронлик даври тинимсиз урушларда кечди. Чунончи, 1574-йили Балхни, 1578- йили Самарқандни, 1583-йили Тошкент ва Фарғонани, 1584-йили Бадаҳшонни, 1595 йили Хоразмни забт этди ва ўз давлати таркибига кўшиб олди.

Шундан кейин унинг давлати сарҳадлари жанубда Хиротдан Машҳадгача, шимолда Орол денгизигача, Каспий денгизидан Иссиқкўлгачаётди. Бутун Мовароуннаҳр, Хоразм ва Ҳурисон яна ягона хукмдор кўли остида бирлаштирилди. 16 аср охирларига келиб Бухоро хонлиги нисбатан марказлашган улкан давлатга айланди.

Шундай килиб, 16 асрдаги давлатчилигимиз тарихида етакчи сулола - шайбонийлар сулоласи бўлди. Бу сулола ўзбек давлатчилиги ривожига маълум даражада хисса кўшди. Сулоланинг энг кудратли вакили Абдулахон II даврида эса ўзбек давлатчилиги ўз тарихида яна бир бор юксак даражага кўтирила олди.

### **Шайбонийлар сулоласи хукмронлигининг барҳам топиши**

Абдулахон II мамлакатни бирлаштириш йўлида шайбоний сultonларнинг марказий хокимиятни кучсизлантиришга уринишларига . карши тинимсиз ва шафкатсиз кураш олиб борди. Бу максад йўлида кариндошларига хам шафкат килмади. Абдулахон II гарчанд давлатни марказлаштира олган бўлса-да, давлатдаги ички низоларга тўла барҳам бера олмади. Шундай килиб, Абдулахон II вафотидан атиги З йил ўтгач, бир аср давом этган шайбонийлар сулоласи хукмронлиги барҳам топди.

Шайбоний Абдулахон II 1598- йил феврал ойида вафот этгач, тахтга унинг ўгли Абдулмўмин ўтказилди. Бирок ўша йили- 1598йил июл ойида Абдулмўмин фитначилар томонидан Ўратепа ва Зомин оралигига ўлдирилди. Ундан колган икки яшар ўғилнинг хонлик хукукини хеч ким тан олмади. Тахт учун кураш бошланди.

Бухоронинг бир гурух амирлари Ибодулла Сultonнинг ўгли Абдуламинни хон килиб кўтардилар. Бошка гурух амирлар эса Балх хокими Абдулахон II нинг жияни, Сулаймон Сultonнинг ўгли Пирмуҳаммадни шайбонийларнинг олий хокони деб эълон киладилар ва Балхдан чакириб олиб, тахтга ўтказадилар.

Ички низолар туфайли Бухоро хонлигига содир бўлган огир вазиятдан фойдаланган Эрон хукмдори шоҳ Аббос бостириб кириб, Нишопур, Сабзавор, Машҳад, Хиротни эгаллади. Хоразм эса хонлик тасарруфидан чикиб, давлат мустакиллигини тиклаб олди. Айни пайтда козок хони Таваккал Мовароуннаҳрга кўшин тортиб, Аҳси, Андижон, Тошкент, Самарқандни эгаллаб, Бухоро томон юрди. Ҳурисондан Бухорога етиб келган Пирмуҳаммадхон Бухоро химоясига киришди. Хонликнинг кўпгина амирлари ўз кўшинлари билан Пирмуҳаммадхонга кўшилди. Таваккал Бухорони 2 ой давомида камал килса-да, уни ололмай Самарқанд томон чекинди. Пирмуҳаммадхон кўшинлари уни таъкиб этиб, 1599-йил август ойи охирларида Миёнколнинг Учкора мавзейига этиб олдилар ва шу ерда бўлган жангда Таваккал кўшинлари тор-мор келтирилди.

Мовароуннахр худуди озод этилди, козок лашкарлари Даشتি Кипчокка чекинди. Пирмуҳаммадхон Самарканд хокими этиб Боки Муҳаммадни, Тошкент хокими этиб Жаҳонгир Султонни тайинлайди.

Пирмуҳаммад Бухоро хонлигини яна икки йилча идора килди. Тез орада Жалоир, Дўрмон кабила бошликларининг игвоси билан Пирмуҳаммадхон билан Боки Муҳаммад ўртасидаги муносабатлар бузилди. Охир-окибатда Пирмуҳаммадхон билан Боки Муҳаммад ўртасида 1601- йилда Самарканд яқинидаги Боги Шамол мавзейида жанг бўлади. Жангда Пирмуҳаммадхон енгилади ва 80 ёшида катл этилади.

- Убайдуллахон даврида давлат Бухоро хонлиги деб атала бошланди.
- Абдуллахон ИИ давлатчилигимиз тарихида йирик марказлашган давлат барпо этди.
- Шайбонийлар сулоласи хукмронлиги бир аср давом этди.